

Фикҳ дарслари (133-дарс). Халога кираётганда ўқиладиган дуо (биринчи мақола)



16:16 / 22.04.2021 3039

1. Қазои ҳожат қилмоқчи бўлган шахс Аллоҳ таолонинг исми ёзилган, шунингдек, малоикалар, «Азийз», «Карим», «Муҳаммад», «Аҳмад»га ўхшаш улуғ исмлар ёзилган нарсаларни ўзи билан бирга олмаслиги керак.

لَحْدِ إِدْمَلَسَوِ هَيْلَعُ لَلِ لَيْلِي بِنَاكَ لِقُوعُهُ لَلِ يَضْرَسَنَ أَنْ
يَذْمُرْتَلِ أَوْ دُوَادُ وَبَأَهْ أَوْرُ هَمَتَاخَ غَزَنَ لَخْلِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон халога кирсалар, узукларини ечиб қўяр эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Маълумки, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узукларида «Муҳаммадур-Расулulloҳ» деган ёзув бор эди. Подшоҳларга мактуб юборсалар, ўша узукни муҳр қилиб босар эдилар. Узукда Аллоҳнинг исми ёзилган бўлгани учун ҳам халога кирганларида уни ечиб қўяр эдилар.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жинларнинг кўзлари билан одам боласининг аврати орасидаги тўсиқ – қачон бирортангиз халога кирса, «Бисмиллаҳ», демоғидир», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Одам боласи халога киришдан олдин «Бисмиллаҳ»ни айтса, бу унинг авратини жинларга кўрсатмайдиган тўсиқ бўлар экан.

Уламоларимиз иккала ҳадисни жамлаб: «Халога кираётган одам: **«Бисмиллаҳи, Аллоҳумма инний аъузу бика минал хубуси вал хобаиси»**, дейиши керак», дейдилар.

Халодан чиқаётганда эса имом Ибн Можа қилган ривоятга биноан, **«Алҳамду лиллаҳиллазий азҳаба анний ал-азаа ва аъфаний»**, дейди.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди